



Саховат, меҳр-муҳаббат халқимизнинг азалий одати. Ўзбекистон ёқилғи-энергетика, геология ва кимё саноати ходимлари касаба уюшма Тошкент вилояти қўмитаси ташаббуси билан Ангрен шаҳридаги 34-махсус мактаб-интернатда ўтказилган байрам тадбири шу фикрнинг яққол исботи бўлди. Тарбияланувчиларга топширилган Янги йил совғалари болажонлар қувончига-қувонч қўшди.

**Икром ҲАСАНОВ олган суратлар.**

# НОЁБ ФАЗИЛАТЛАР

## маҳалла муҳитида камол топади

Бағрикенглик, ўзаро меҳр-оқибат сингари ноёб фазилатлар айнан маҳалла муҳитида камол топади. Шу маънода маҳаллани ўзини-ўзи бошқариш мактаби, таъбир жоиз бўлса, демократия дарсхонаси деб аташ мумкин.

Қадимий ва ҳамиша навқирон Насафдаги Қарши маҳалласи фуқаролар йиғини раисаси Мунавар Ҳамроеванинг ишлари янада кўпайган. У раҳбарлик қилаётган мавзе «Менинг маҳаллам» кўрик танловида биринчи ўринни қўлга киритди. Шаҳарнинг аҳоли зич яшайдиган бу серманзара ҳудудда аҳоли тинчлиги ва осойишталигини сақлаш, кўча ва хонадонларни ободонлаштириш соҳасида катта ишлар амалга оширилаяпти. Ҳозирги пайтда хонадонларнинг 90 фоизида ичимлик сув ва газ қувурларига ўлчагич мосламалари ўрнатилди.

*Қадрият*

Ҳар бир ишда фаоллар билан бамаслаҳат иш тутиляпти. Улар ҳамкорлигида «Эр-хотин муносабатлари», «Энг намунали оила», «Энг обод кўча», «Аёл жамият кўрки», «Қайнонамонам, Келиним қизим», «Тиббий маданиятли оила», «Фарзанд тарбиясидаги муаммолар» каби кўрик-танловлар уюштирилди. «Аёл-оила-маҳалла», «Соғлом авлод- соғлом жамият негизи», «Мактаб-боғча-маҳалла», «Маҳалла посбони – осойишталик қалқони» мавзуларидаги кечалар миллий қадриятларни улуғлаш, ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш, кишиларнинг ҳуқуқий-сиёсий, маданий билим савиясини оширишга ижобий таъсир кўрсатди.

Тўй ва маъракаларни ихчам ва ортиқча сарф-харажатларсиз ўтказиш бўйича маҳаллада ибратли тажриба тўпланган. Ёрдамчи корхоналар барпо этиш эвазига 52 нафар киши иш билан таъминланган.

Уч минг йиллик шаҳарсозлик тарихи ва маданиятига эга бўлган Қаршида 62 та маҳалла қўмиталари ишлаб турибди. Қарши Давлат Университети олимлари Очил Бўриев ва Қаҳрамон Холиқовлар «Маҳалла»жамғармасининг ташаббуси билан маҳалла (гузарлар) тарихини ўрганиш ва келгусида алоҳида китоб нашр этишни режалаштиришган.

Шаҳарнинг Ойдин, Беглар беги, Бузрукобод, Чармгар, Қўрғонча, Бешгумбаз, Маҳсумобод, Қарлиқхона, Темир йўлчи, Наво сингари маҳаллаларда аҳолининг яшаш шароитларини яхшилаш тадбирлари кўрилаяпти. Фуқароларга ошхона, новвойхона, чойхона, дорихона, савдо дўконлари, пойафзал ва радио-телевизор тузатиш устахоналари хизмати кўрсатаяпти. Эзгулик бешиги, тарбия ўчоғи, миллий қадриятлар, анъанавий урф-одат ва маросимлар шаклланадиган маҳаллаларда турли миллат вакиллари бир оила фарзандларидек аҳил ва иноқ яшамоқдалар.

Одамларнинг бошини қовуштириш билан бирга ижтимоий ҳимояга муҳтожларга ёрдам кўрсатилаяпти. «Экология ва саломатлик» кунлари доирасида ўтказилган ҳашардан тушган маблағ ана шу хайрли мақсадга сарфланди. Ногиронларни тиббий, ижтимой реабилитацияси марказига 200 минг сўмлик гигиена маҳсулотлари берилди. «Пахтазор» миттитуманида истиқомат қилувчи Рухсат Полязованинг уч ёшлик туғма ногирон фарзанди Аллашукурнинг Москвада даволаниши учун мурувват ёрдами кўрсатилди.

Вилоятнинг барча туманлари ва қарши шаҳрида 2002 йилнинг 15 декабридан 2003 йилнинг 15 мартигача ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш уч ойлиги деб эълон қилинди. Қишлоқ ва маҳаллалар ободонлаштирилиб, мевали, манзарали дарахт кўчатлари, турфа хил гуллар экилади, суғориш тармоқлари, турар-жойлар, спорт майдончалари тартибга келтирилади.

Уч ойликнинг намунали ўтказилишини таъминланган корхона, ташкилот, муассаса, қишлоқ фуқаролар йиғинлари ва маҳаллалар касаба уюшмалари вилоят кенгаши томонидан тақдирланади.

**И. ТИЛЛАЕВ.**

# «ХОНҚА» ЎЗИМИЗНИНГ «ТРУСКАВЕЦ»

***1987 йилнинг баҳорида Хонқа туманидаги Қирқён қишлоғида топилган маъданли сувнинг таркиби ва шифобахшлигини мутахассислар дунёга машҳур Трускавец ва Грузия сиҳатгоҳларидаги сувлар билан тенглаштиришди.***

Тез орада бу сувдан Машариф Абдуллаев номли сиҳатгоҳда даволаш ишларида қўлланила бошланди. Натижа кутилганидан яхши самара бера бошлади. Беморларга бу неъмат ичирилиш билан бирга, ер қаъридан табиий равишда 60 даража иссиқликда чиқаётган шифобахш сувда чўмилиш ишлари ҳам ташкил қилинди. Олдин Трускавецда даволаниб келган кишилар, бу ердаги муолажаларни олгач, мазкур сиҳатгоҳни ўзимизнинг «Трускавец» деб атай бошлашди. Машариф Абдуллаев номидаги сиҳатгоҳ Хонқа пахта тозалаш заводига қарашли бўлиб, бу ерда оз сонли аҳоли даволаниб, дам олиши мумкин эди. Энди бу ерда республика аҳамиятига молик йирик сиҳатгоҳ қурилиши лозимлигини давр тақозо этаётганди. Бу имкониятга мустақиллик туфайлигина эришдик. Маъданли сув топилган Қирқён қишлоғида республика касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ташаббуси билан 125 ўринли уч қаватли «Хонқа» деб номланган сиҳатгоҳ қурилиши жадал бошлаб юборилди.

*Совға*

Сиҳатгоҳ қурилишида вилоятдаги кўпгина қурилиш-монтаж ташкилотлари қатнашди. Бу ерда дам олувчилар учун 56 та икки кишилик, 4 та даволаниш ва маданий ишлар учун мўлжалланган хоналар мавжуд.

«Хонқа» сиҳатгоҳи бултур мустақиллик байрами арафасида ишга туширилди. Жаҳон талаблари даражасида қурилган маскан хоразмликларга ёқиб қолди. Йўлланма сўраб келувчилар сони кўпайди.

– Сиҳатгоҳнинг 22 гектарли боғи бор. Ундаги сабзавот ва полиз экинларидан сиҳатгоҳ ошхонасида фойдаланиб келмоқдамиз, - дейди бош шифокор Шуҳрат Собиров. – Шу кунгача бу ерда 500 га яқин киши ўз соғлиғини мустаҳкамлади.

Кези келганда шуни айтиб ўтиш кераккки, сиҳатгоҳ ишга тушганига тўрт ой бўлганига қарамай ҳалигача жамоада касаба уюшма ташкилоти тузилмаган. Вилоят касаба уюшмалари Кенгаши бунга эътиборни қаратади, деб ўйлаймиз.

«Хонқа»да ўз касбининг билимдонлари, ширинсухан шифокорлар анчагина. Субҳонберди Саъдуллаев, Маткарим Қуриёзов, Муҳаббат Отажонова, Аҳмад Сапаев, Хушнуд Хўжаниёзовлар шулар жумласидан.

– Жуда кўп сиҳатгоҳларда даволаниб, дам олганман, «Хонқа» ўзининг қулайлиги, замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланганлиги билан ажралиб туради - дейди Гурлан туманидаги «Навоий» номли ширкат хўжалиги фермери Олим Машарипов.

Урганч шаҳри Наврўз шаҳарчасида яшовчи Тўхтажон Собирова шундай дейди: – Бу ер одамларга қулай экан. Даволанишнинг барча турлари, дам олиш, овқатланиш, яшаш хоналари бари ичкарида. Таомлар сифатига ҳам гап йўқ.

**Эркин ЭРМАТОВ, «Ишонч» мухбири.**

# ОППОҚ ҚОР ЁҒМОҚДА

***Бўка шаҳридаги Маданият маҳалласида кўплар ҳавас қилса арзигулик Холинисо буви Холматовалар оиласи истиқомат қилади. Катта ҳовлида буви уч ўғил, уч келин, неваралари билан туришади.***

*Оналар нияти*

Ҳовлига кириб борар экансиз, саранжом-саришталикни кўриб, кўнглингиз равшан тортади. Хоналарнинг бирида қариялар хуш кўрадиган сандал. Унинг тўрида, етти қават кўрпача устида Холинисо буви ўтирибдилар. Ўнг томондаги ойнаванд айвонда опа-сингиллар Феруза ва Дилноза кечки овқатга уннашаётир. Уларнинг ҳаракатларидан, ёш бўлишларига қарамай, пазандалик сирларини пухта эгаллаганликлари кўриниб турарди.

Келганларга пешвоз чиққан бувини 93 ёшга кирган, деб ўйламайсиз. Ҳаракатлари дадил, боқишлари теран.

Ўзбек удумларига кўра, ота-она фарзандларини уйли-жойли қилгач, кенжа ўғил билан бирга яшаб қоладилар. Холинисо буви марҳум турмуш ўртоғи Юсуф ота билан ҳаёт кечирган ҳовлида кенжа ўғил Убайдулла ва келини, «бир этак» неваралари билан бирга яшаб, уларнинг ҳурмат-эътиборида бўлиб келаяпти. Буви шу ҳовлида яна бирга яшаб келаётган икки ўғил, келинлар ва невара-чеваралар эъзозида.

– Бундан ортиқ бахт бўлмаса керак, - дейди онахон хонтахта атрофига жойлашиб ўтириб олгач, – Йиллар меҳнат билан ўтди. Қурт боқиб, 150-200 килограммдан пилла топширар эдик. Ҳар доим олдинги сафда бўлишга ҳаракат қилардик. Ортда судралиб юришни ҳар ким ўзига ор, деб биларди. Ана шу меҳнатларимиз билан кам бўлмадик. Фарзандлар ўстириб, уларни ҳам эл-юрт учун қайишадиган ҳалол инсонлар қилиб вояга етказдик, уйли-жойли қилдик. Афсус оталари бу кунларни кўролмади.

Холинисо бувидан неваралари ҳақида сўраганимизда, ҳеч бир хатосиз ҳар бир фарзандининг болаларини янглишмай айтиб берди. Сўнг деди:

– 21 нафар невараларнинг севимли бувижониси бўлиб ўтирибман. Невара келинларим Маъмура, Муҳайё, Дилафруз, Мухтабар, Дилё, Нигоралар тез-тез аҳволимдан хабардор бўлиб туришади. Мустақиллик онларини кўриш насиб этганидан Яратганга шукроналар айтаман. Қаранг, бирам чиройли қор ёғаяпти, бу – қут-барака. 2003 йил омадли келади.

**Темур ҲАЙДАРОВ, «Ишонч» мухбири.**



Пойтахтимизнинг «Сағбоннон» ҳиссадорлик жамиятида айни кунларда ишлаб чиқарилаётган 45 турдаги нон ҳамда қандолат маҳсулотларини истеъмолчилар севиб харид қилишмоқда. Бунинг асосий омили чет элдан келтирилган «Винклер» цехидаги дастгоҳлардан унумли фойдаланилаётганидир. Ушбу маҳсулотлар ҳамшаҳарларимизнинг Янги йил дастурхонини безади.

**О.ЭРГАШЕВ олган сурат.**





Қўй йили муборак юртимизга ҳар томонлама хосиятли келади, иншооллоҳ! Шундай ният қилган Қашқадарёдаги «Ғузор» наслчилик хўжалиги чорвадорлари кўтаринкилик билан меҳнат қилишмоқда. Улар мавжуд совлиқларнинг ҳар юз бошидан камида юздан соғлом қўзи олишга аҳд қилишди.

**Суратларда: ширкат раҳбари Жума Полвонов ва тажрибали чорвадор Рашид Тўрамуродов; қўй-қўзилар яйловда.**

**Шавкат СУЛТОН олган суратлар**

# ШУ УНУТИЛМАС КУНЛАРДА

Янги йил арафасида Бухоро шаҳри аҳолиси учун яна бир қулайлик яратилди. «Дилкушо» ҳиссадорлик жамиятининг шаҳар марказидаги ёпиқ савдо растасида «Янги йил бозори» ташкил этилди.

Бозор расталаридан озиқ-овқат, гўшт ва сут, полиз маҳсулотлари, мева-сабзавот, арча ва унинг безаклари, шунингдек, республикамиздаги ва хорижий корхоналарда тайёрланган турли кундалик эҳтиёж моллари сотилмоқда.

Энг муҳими, бир вақтнинг ўзида сифатли ва нисбатан арзон, оила эҳтиёжи учун зарур барча турдаги маҳсулотларни харид қилиш мумкин.

# ЯНА БИР КОЛЛЕЖ

Янги йил арафасида Нурота шаҳрида қишлоқ хўжалиги йўналишидаги касб-ҳунар коллежи фойдаланишга топширилди. Асосан чорвачилик йўналишидаги ушбу ўқув даргоҳида зоотехник, ветеринар, иқтисодчи, фермер, менежмент каби ўндан ортиқ мутахассисликлар бўйича билим берилади.

900 ўқувчига мўлжалланган касб-ҳунар коллежининг ҳозирча биринчи навбати ишга тушди. Ётоқхона, спорт зали, машғулот ўтказиш хоналари келгуси йилда қурилиши кўзда тутилмоқда. Коллеж Нурота туманидаги «Шодия» фирмаси томонидан бунёд этилди. Бино қурилиши учун Навоий вилоят ҳокимлиги капитал қурилиш бошқармасидан 700 миллион сўмликдан ортиқ маблағ ажратилди.

**(ЎзА).**

# 2003 ДА «МИНГЧИНОР»ДА ЎЗГАРИШ БЎЛАДИМИ?

*Масала кўндаланг қўйилади*

Пахтакор туманидаги «Мингчинор» қишлоғига йўл олган одам ҳавонинг мусаффолигидан дили ёришади. Лекин, бу ердаги меҳнаткашлар учун яратилган шарт-шароитни кўриб, кўнгли хиралашади.

Бу қишлоқ анча йиллар чўл қўйнида пайдо бўлган. Лекин кимларнингдир лоқайдлиги, эътиборсизлиги туфайли қишлоқ аҳолиси ичимлик сувидан ҳозирда бенасиб. Сув йўллари нобоплиги натижасида ҳовлилар олдидаги жўмраклардан оби-ҳаёт оқмай қолди. Аҳоли лоток, сизот сувлар оқадиган ариқлардан сув ташийди.

«Мингчинор» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида 1280 оила бўлиб, 5460 киши истиқомат қилади. 12 кўча, 2 қишлоқ бор. 3 мактаб, болалар боғчаси, қишлоқ врачлик амбулаторияси, маданият саройи, ўйингоҳ, кутубхона, маиший хизмат кўрсатиш уйи фаолият кўрсатмоқда эди. Бироқ, маиший хизмат кўрсатиш уйи бундан 5 йил бурун хусусийлаштирилди. Мақсадли фойдаланилмаганлиги боис, бино бугунга келиб ташландиқ қиёфа касб этди. Айрим хоналарнинг эшик, деразалари синиб ётибди. Мана, бир неча йилдирки, бу ерда на сартарошхона, этикдўзлик, радио-телевизор устахонаси ва бичиш-тикиш цехи ишлайди.

Маданият саройи ҳақида гапирмасак ҳам бўлади. Йил ўн икки ой эшигига катта қулф осиб қўйилган. Ёлғон бўлмасин, бир йилда бир-икки марта туман ёҳуд вилоят раҳбарлари келиб, йиғилиш ўтказишади. Шароитни яхшилашга ваъда беришади.Аммо сўз ва иш бирлигига эришилмаяпти. Бу масканда турли хил кўнгилочар тадбирлар, концертлар уюштириларди, кинофильмлар намойиш этиларди. Эндиликда бу кошонанинг савлатигина турибди. Хафсала бўлса уни қишлоқ одамларининг ҳақиқий дам олиш масканига айлантириш мумкин. Бунинг учун катта маблағ талаб этилмайди.

– Қишлоғимизда спортга қизиқувчи ёшлар кўп, – дейди фуқаролар йиғини котиби Назар Усанов. – Мен армия сафидан қайтиб келгач,. каратэ тўгарагини очдим. Унга 180 нафар ёш аъзо бўлди. 3-4 йил мобайнида мураббийлик қилдим. Туман ва вилоят турнирларида қатнашдик. Аммо жой ва маблағ масаласи ҳал бўлавермагач, тўгарак иши тўхтади. Ўйингоҳнинг бугунги аҳволига ачинаман. Футбол ишқибозларининг кўнгли хижил. Ўйдим-чуқур, ҳас-тиконлар босиб кетган. Ёпиқ спорт зали эса мактабдан бошқа жойда йўқ.

Изчиллик бўлмаса қийин экан. Ўйингоҳ бир неча марта тозаланиб, тартибга келтирилди, ёшлар футбол, волейбол билан шуғулланишди. Наврўз байрамида миллий ўйинларимиз ўтказилди. Яна ҳамма нарса келиб маблағга тақалди. Спорт анжомларини сотиб олишнинг иложи бўлмай қолди.

Маданият саройи биносида туман марказий кутубхонасининг шохобчаси жойлашган. Унга Зиёда Қаландарова мудирлик қилмоқда. Аммо, бу зиё даргоҳи номигагина ишламоқда. Китоблар тартибсиз, жойлаштирилган. 6 мингта китоб фондининг 4300 таси ўзга тилда эканлигини қандай баҳолаш мумкин?

Фуқаролар йиғини ҳудудидаги «Бўстон» ва «Тўмарис» қишлоқчаларидага шароит «Мингчинор»дан ҳам ёмон. Бу қишлоқларга қурилганидан буён табиий газ ва ичимлик суви келтирилмаган. Маданий-маиший иншоотлар ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Энди ҳақли савол туғилади: Жиззах вилояти Пахтакор туманидаги «Мингчинор» қишлоғида 2003 йилда ўзгариш бўлармикан?

**Бўрибой НОРҚУЛОВ, «Ишонч» мухбири.**

